



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/2-сон



| | |
|---|-----|
| Шахриёр Шодиёрович Тураев Юридик хизматларнинг таркибида адвокатлик фаолиятининг ўрни ва унинг назарий масалалари | 74 |
| ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ | |
| Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Росулбек Исломович Пардаев Яшил иқтисодиёт шароитида халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти | 79 |
| Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Ўзбекистонда янги-музей туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари | 83 |
| Latofat Tolibovna Yuldosheva Tourism System: Tourism Supply and Bridging Components. Evidence from Samarkand | 87 |
| Shaxnoza Shuxrat qizi Xashimova Xorij mamlakatlarida sog‘lomlashtirish turizmi va uning rivojlanish xususiyatlari | 93 |
| Зухрали Турсуналиевич Абдулхакимов Халқаро туризм индустриясининг ривожланиш динамикаси, шаклланиш тенденциялари | 99 |
| Мохинур Ўлмас қизи Ўроқова Навой вилоятида сафари туризмни ташкил қилиш ва такомиллаштириш истиқболлари | 104 |
| Мухауво Вахрллоевна Хамроева Turizm sohasidagi hududiy transport xizmatlarining iqtisodiy ko‘rsatkichlari tahlili | 109 |
| Парвина Аслиддин қизи Холматова Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти | 113 |
| Kamol Sharifovich Yuldashev Sayohatni mustaqil rejalashtirishda qo‘llaniladigan axborot texnologiyalari va uning bosqichlari | 117 |
| Анжим Айдосбаевна Ембергенова Қорақалпоғистон Республикасида замонавий туризмни ривожлантириш йўналишлари | 123 |
| МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ | |
| Гўзалхон Ақром қизи Абдурашидова Маркетинг тизимида нархларни шакллантириш механизми тамойиллари ва усуллари | 129 |
| Мохиғул Эркиновна Ахтамова Стратегическое управление проектами в Республике Узбекистан: ключ к экономическому развитию | 135 |
| Nargiz Toxirovna Sattarova Mamlakatimizda sanoat korxonalarini boshqarish jarayonini takomillashtirish | 139 |
| ИНВЕСТИЦИЯ | |
| Ақрам Одилович Очилов, Дурдона Хасан қизи Рахмонова Развитие экономики Кашкадарьинской области на основе внедрения инвестиций | 143 |
| МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ | |
| Jaxongir Rasulovich Zaynalov, Shaxnoza Maxmudovna Latipova Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida moliyaviy siyosatni rivojlantirish yo‘llari | 148 |

ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,

Росулбек Исломович Пардаев – СамДУ таянч докторанти

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХАЛҚАРО ЭКОТУРИЗМНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

Аннотация: мақолада яшил иқтисодиёт шароитида халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиётини такомиллаштиришга ва ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ҳам уни ривожлантириш имкониятлари таҳлил қилинган. Жаҳонда экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиётини умумлаштириб ўзимизга хос бўлган бир қанча йўналишлар тавсия қилинди. Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларида халқаро ва яшил иқтисодиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: яшил иқтисодиёт, туризм, экологик туризм, халқаро туризм, кировчи туризм, туристик ресурслар, экотуристик ресурслар.

Кириш. Бугунги кунда яшил иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган туризмнинг муҳим турларидан бири экотуризм бўлиб ҳисобланади. Ушбу туризм турларини ривожланган ва ривожлантираётган давлатларнинг тажрибаларини умумлаштирган ҳолда экотуризмни ривожлантириш концепциясини яшил иқтисодиёт талабларига мос ҳолда ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4861-сон Фармони мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда туб бурилишни, янги босқичнинг заминини, туризмда истикболли ислохотларнинг шароитларини яратди¹. Бундан кейин ҳам қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шу жиҳатдан қараладиган бўлса, мазкур мавзу ўта долзарб масаланинг ечимига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадқиқот методологияси. Мақолада яшил иқтисодиёт шароитида халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиётини такомиллаштириш жараёнида макон ва замон, мантиқий, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, Канада давлатида ёввойи табиатга саёҳат, туризмнинг умумий даромадлари ҳажми ички туризмдан тушган даромаднинг 25 % ини ташкил этади. Канада ҳукумати, фақатгина экотуризмдан тушган солиқ ҳисобидан ҳар йили 1,7 млрд. АҚШ долларарида фойда олади. Бу эса, ҳукумат томонидан ёввойи табиатни муҳофаза қилиш дастурига ажратилган маблағдан (300 млн. доллар) 5 баравар кўпдир. Демак, экотуризм табиатни муҳофаза қилиш, яшил иқтисодиётни ривожлантириш тадбирларини амалга оширишга катта иқтисодий ҳисса кўшади, ҳамда бундай тадбирларни тўла-тўқис ўтказишга катта молиявий кўмак ҳам бериши мумкин.

Ҳар йили экотуризмдан Кения – 1,4 млрд. Непал – 1,5 млрд. АҚШ долларарида даромад оладилар. Қайд қилиш лозимки, ушбу мамлакатларнинг экотуризмдан олган даромади давлат ялпи ички маҳсулотининг 60 % ига тенг.

Бундан келиб чиқиб, жаҳонда экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиётини умумлаштириб қуйидаги йўналишларда кўриш мумкин:

Биринчидан, экотуризм ривожланган АҚШ ва Канада давлатларининг экотуриزمи яшил иқтисодиёт талабларига мос кучли амалиётга асосланганлиги билан ўзига хос

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил, 2 декабрь, ПФ-4861-сон. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 558-модда, 2017 й., 1-сон, 3-модда).

хусусиятга эга. Ушбу давлатларда мазкур экотуризмнинг стратегик ва тактик режалари асосида ривожлантирилиши амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, экотуризм ривожланган Ғарбий Европа давлатларида ушбу туризм тури анча ривожланган. Бу ушбу экотуризм кучли илмий назария ва амалиётга асосланган ҳолда яшил иқтисодиёт билан ҳамоҳанг ҳолда амалга оширилганлигидан далолатдир. Ҳозирги шароитда ҳам экотуризмнинг стратегик ва тактик режаларга асосланиб ривожланиши давом этмоқда.

Учинчидан, экотуризмни яшил иқтисодиёт тамойилига мос ҳолда ривожлантиришда Австралиянинг ўзига хос модели бор. Ушбу давлатда экологик туризмни ривожлантириш давлатлар сиёсати даражасига кўтарилиб бораётганлиги билан аҳамиятлидир. Бунда асосий эътибор экотуризмни ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг яшил йўналишларидан бирига айланиб бораётганлиги ҳам эътиборга молик устувор стратегик масала сифатида баҳоланади.

Тўртинчидан, экотуризмни ривожлантиришга киришаётган сиёсатда Осиё давлатлари ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу давлатларда экотуризмни ривожлантириш ўзининг дастлабки босқичида ва бу давлатларда экотуризмни ривожлантиришнинг концепцияси ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш суи амалга оширилган. Бундан Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон мустасно.

Бешинчидан, Африка давлатларида экотуризм нотекис ривожланаётган соҳа сифатида эътибордан биров орқада. Ушбу давлатларнинг ҳар бирида экотуризм ресурслари яшил иқтисодиёт нуқтаи назаридан қаралганда ҳам салоҳияти етарли. Эндиликда улар ривожланишнинг Ғарбий Европа давлатлари моделини қўллаб, экотуризмни ривожлантириш дастурлари ва моделларини такомиллаштириш дастурини ҳам қабул қилган. Ушбу ҳолатдан кўриниб турибдики, экотуризм амалиётида қўлланилаётган турли мамлакатларнинг ҳаммасида битта мақсад – мазкур соҳани ҳар бири ўз мамлакатида яшил иқтисодиётга мос ҳолда жадал ривожлантиришга қаратилган.

Олтинчидан, бугунги кунда жаҳондаги деярли барча давлатлар ўзларининг экотуризм ресурсларидан имконият борица экотуризмни яшил иқтисодиёт билан ҳамоҳанг ривожлантиришда фойдаланишга қаратмоқдалар. Ушбу жараёнга бизнинг мамлакатимизда ҳам киришилган. Аммо бу борада ҳали анча имкониятлардан фойдаланилаётганлигини тан олиш лозимдир.

Еттинчидан, экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиётини мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиб, шу йўналишда ривожлантириш лозим бўлади. Бу бўйича тобора такомиллашиб бораётганлиги кузатилаётган яшил иқтисодиёт билан ҳамкорликда экотуризм ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Саккизинчидан, экотуризмнинг амалдаги тамойилларини ҳар бир ҳудуднинг хусусиятларидан келиб чиқиб мукаммаллаштириш, экологик турларни экологиялаштириш, экотуристларни табиатни сақлаш ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ишларидаги ихтиёрий ҳамкорлигини ва ташаббускорлигини кучайтириш ҳам соҳани такомиллаштириш йўлларида бири сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Туризм ривожланган давлатларда экотуризмнинг замонавий коцепцияси ва амалиётига ҳозирга келиб қуйидаги тартиблар билан такомиллаштирилди, яъни, экотурлар қуйидагиларга амал қилинганда экотуризм дастури дейилиши белгиланди:

Биринчидан, экотуристлар фойдаланадиган транспорт воситаси экотур талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим, деган талаб қўйилди.

Иккинчидан, туристларнинг озик-овқатлари экологик тоза ва фойдали бўлиши, бу озик-овқат хилларида маҳаллий озик-овқатлар ва мевалар бўлишлиги ҳам кўзда тутилди.;

Учинчидан, экомаршрутларда юқори малакали гид-экскурсиячилар экотуристларни уларда қизиқиш ва ҳайратланиш ҳосил қилувчи табиий ландшафтларга бошлаши ва уларни қизиқарли қилиб тушунтириб берадиган малакага эга бўлиши лозим.

Тўртинчидан, экотурлар дастурига қуйидагилар – экологик ўқув сўқмоқларига бориш, табиатшунослик, ўлкашунослик музейлари билан таништириш, экотехнологик хўжаликларга бориш ва албатта маҳаллий экологик муаммолар билан танишиш мавзулари киритилиши шарт қилиб белгиланган.

Бешинчидан, экотур маршрутларида ҳосил бўлган чиқиндилар умумий чиқиндилар уюмига ташлаб кетилмаслиги ва махсус қутиларда тўпланиб экотехнологик қайта ишлашга юборилиши ҳам кўзда тутилган.

Олтинчидан, экотурларда ва экомаршрутларда дам олиш ва гулханлар ёқиш кўнгил хоҳлаган жойларда, дам олиш учун тўхташ жойларида эмас, балки, махсус мослаштирилган, тайёрланган жойларда ташкил қилиниши ва ўтказилишига ҳам амал қилиш керак бўлади.

Еттинчидан, экотурларда кўзиқоринлар, мевалар, гуллар, шифобахш ўтлар ва табиий, ўзига хос, қизиқарли кўринишларга эга бўлган нарсалар фақат рухсат берилган жойларда терилишига йўл қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Саккизинчидан, экотуристлар тўхтайдиган отеллар, кемпинглар ёки бошқа хил жойлаштириш воситалари атроф табиий муҳитнинг табиий, экологик барқарор ривожланишига зарар келтирмаслиги, халақит бермаслигини ҳам таъминлаш лозим.

Тўққизинчидан, экотуристлар тўхтайдиган отеллар, кемпинглар ва бошқа жойлаштириш воситалари экологик тоза қурилиш материалларидан қурилган бўлиши ҳам талаб этилади.

Ўнинчидан, маҳаллий аҳолини экотуризмга ва унинг бизнесига, тадбиркорлигига жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни, маҳаллий анъанавий хўжалик шаклларини экотурлар орқали кучайтиришга эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Ўн биринчидан, экотуристларнинг маҳаллий–маданий анъаналарга ҳурмат билан қараши ва бу анъаналарнинг, урф-одатларнинг моҳиятига тушунишга ҳаракат қилиши ҳам соҳага қўйилган талаблардан бири ҳисобланади.

Ўн иккинчидан, экотуристларнинг маҳаллий экологик муаммоларни ечишга ёрдам бериш имкониятларининг яратилишига ҳам катта аҳамият берилган ҳолда, унга амалиётда албатта эришишга ҳаракат қилиш.

Ўн учинчидан, экотурдан олинадиган даромадлар тўлиқ маҳаллий бюджетга берилишининг таъминланиши ҳам ҳудуд ва соҳанинг ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўн тўртинчидан, экотуризмнинг рекламасига ҳам алоҳида аҳамият беришни тақозо қилади. Чунки реклама масаласи нозик соҳаки, унда бошқа гапни айтиб, амалда бошқа нарса бўлса, бундай реклама соҳанинг ривожланишига эмас, балки таназзулга ҳам олиб келиши мумкин.

Экотуризмни ривожлантиришга киришаётган давлатлар шу жумладан, Ўзбекистон ҳам экотуризмнинг ҳозирги замонавий талабларини бажаришга албатта тайёр бўлишлари керак. Аммо кўп давлатлар ушбу талабларга тўлиқ жавоб бера олмайди. Шунинг учун ҳам бу давлатлар экотуризмнинг замонавий концепцияси талабларини ўта қаттиқ, муаммоли талаблар ўрнида қабул қилиб, экотуризмни оммавий туризмга қўшиб ривожлантирмоқда. Бироқ экотуризм ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги соҳага ўзига хос ёндошишни талаб қилади.

Шуни қайд этиш жоизки, жуда кўп давлатларда аҳолининг экологик саводхонлиги ва экологик маданиятининг анча паст даражаларда эканлиги билан ҳам боғлиқдир. Шу билан бирга бундай давлатлардаги аҳолининг табиат муҳофазасидаги тушунчалари ва давлатнинг табиатни сақлаш ва муҳофаза қилишга қаратилган талаб ва тадбирларига бефарқ қараши билан ҳам боғлиқдир. Бироқ, экотуризмнинг мақсади ва вазифаларини тўғри тушунган ва англаган АҚШ, Канада, Австралия, Япония ва Европа давлатларида экотуризм жадал ривожланиш босқичига ўтган. Бу албатта соҳага катта самара бериши тайин.

Бугунги кундаги халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти масалалари шуни кўрсатмоқдаки, биз биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси “Экология ва атоф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси” томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепция”сидаги талабларни яна бир кўриб чиққан ҳолда, унинг бажарилишига катта эътибор бериш ҳам зарур, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, яшил иқтисодиёт шароитида халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиётига эътиборни қаратиб, уни маҳаллий шароитга мос ҳолда ривожлантириш масаласини тўғри йўлга қўйиладиган бўлса, соҳада кўзда тутилган самарадорликка эришиш мумкин. Бунга эришиш учун қуйидаги тавсияларга ҳам эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, мамлакатимизда ҳар бир ҳудудлар кесимида уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда яшил иқтисодиётнинг ривожланиши билан экологик туризмнинг бир-бирига мувофиқлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, мамлакатимизда экологик туризмни ривожлантириш учун халқаро талабларга жавоб берадиган уни ривожлантириш концепциясини шу халқаро талабларга мос ҳолда ишлаб чиқишни тақозо қилади. Чунки экологик туризмга ҳам кирувчи туристларни жалб қилиниши тайин. Шу туфайли ўзига хос хусусиятлари билан бирга халқаро талабларни ҳам тўлиқ ҳисобга олишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда ПФ-158-сонли «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегияси тўғрисида”ги фармони. LexUZ шарҳи.
2. Дроздов А.В., Основы экологического туризма. Москва, Гардарики, 2005. - 271 стр.
3. Пардаев М.Қ., Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. / – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.
4. Пардаев М.Қ. Экологик туризм асослари. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2015. – 96 бет.
5. Хаитбоев Р. Экологик туризм. Ўқув қўлланма. –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021. – 376 б

| | |
|---|--|
| <p style="text-align: center;">М.Пардаев, Р.Пардаев</p> <p style="text-align: center;">Современная концепция и практика международного экотуризма в условиях зелёной экономики</p> <p>Аннотация: в статье анализируются возможности совершенствования современной концепции и практики международного экотуризма в условиях зеленой экономики и его развития в нашей стране исходя из этих требований. Обобщая современную концепцию и практику экотуризма в мире, был рекомендован ряд специфичных для нас направлений. Также, исходя из требований международной и зеленой экономики, особое внимание уделяется вопросу его совершенствования в регионах нашей страны.</p> <p>Ключевые слова: зеленая экономика, туризм, экологический туризм, международный туризм, въездной туризм, туристские ресурсы, ресурсы экотуризма.</p> | <p style="text-align: center;">M.Pardaev, R.Pardaev</p> <p style="text-align: center;">Modern concept and practice of international ecotourism in a green economy</p> <p>Abstract: the article analyzes the possibilities of improving the modern concept and practice of international ecotourism in a green economy and its development in our country based on these requirements. Summarizing the modern concept and practice of ecotourism in the world, a number of directions specific to us were recommended. Also, based on the requirements of the international and green economy, special attention is paid to the issue of its improvement in the regions of our country.</p> <p>Keywords: green economy, tourism, ecotourism, international tourism, inbound tourism, tourism resources, ecotourism resources.</p> |
|---|--|

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

27.05.2024 йилда теришга берилди. 14.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.